

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда; 2012 й., 40-сон, 466-модда; 2014 й., 50-сон, 590-модда)

Суғурта хизматларининг рақобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суғурта ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007 — 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш [дастури](#) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин, унда қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш;

кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш;

суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар, идоралар ва бажарувчилар — суғурта ташкилотлари билан биргаликда [Дастурда](#) назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласин.

2. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги [низом](#) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2008 йил 1 январгача бўлган муддатда устав капитали миқдорининг мазкур қарор билан тасдиқланган Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги [низомда](#) белгиланган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси билан биргаликда тасдиқланган Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги [низом](#) талабларига жавоб бермайдиган суғурта ташкилотлари фаолиятини 2008 йил 1 январгача белгиланган тартибда тўхтатиш ва лицензияларини бекор қилиш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мамлакат иқтисодиёт олий таълим муассасаларида ихтисослаштирилган гуруҳлар ташкил этиш, суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг юқори малакали мутахассислари тайёрлаш контингентини кенгайтириш ва сифатини ошириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва республика суғурта компанияларининг қуйидагилар фаолиятининг асосий йўналишлари бўлган Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очиқ-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини

кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашиш;

республика аҳолиси ўртасида суғурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

суғурталаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал қатнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш.

Олдинги таҳрирга қаранг.

6. Суғурта бозорини ривожлантириш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш учун белгилаб қўйилсинки, ҳаётни узок муддатга суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари солиққа тортилмайди.

(6-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2014 й., 50-сон, 590-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

(6-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2014 й., 50-сон, 590-модда)

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 10 апрель,
ПҚ-618-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарорига
1-ИЛОВА

2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури

Т/р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
1. Суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш				
1.	«Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, суғурта компаниялари
2.	«Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш	Қонун лойиҳаси	2007 йил IV чорак	Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий

	тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.			муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, суғурта компаниялари
3.	«Тиббий суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2007 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, суғурта компаниялари
1.2. Амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш				
4.	«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари таркибини аниқлаштириш ва кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, суғурта компаниялари
5.	«Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, унда суғурта қилинмаган транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар жавобгарлигини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, суғурта компаниялари
1.3. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш				
6.	Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб рақамлари режасини ва уни қўллаш бўйича йўриқномани ишлаб	Ҳисоб рақамлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги

	чиқиш ва тасдиқлаш.			
7.	Суғурталовчилар молиявий ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш коидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш коидалари	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги
8.	Умумий суғурта ва ҳаётни суғурталаш соҳасида суғурта тарифларини ҳисоблаб чиқариш бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Методик кўрсатмалар	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари
9.	Суғурта компанияларини рейтинг жиҳатдан баҳолаш бўйича методик тавсияларни тайёрлаш.	Методик тавсиялар	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
10.	Актуар малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМНИ ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги
11.	Аджастер, актуар, сюрвейер ва ассистанс хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.	Методик тавсиялар	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари
12.	Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўловга кодирлиги тўғрисидаги НИЗОМНИ ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом	2007 йил IV чорак	Молия вазирлиги
13.	Суғурта компанияларини аудиторлар томонидан текшириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш.	Методик тавсиялар	2007 йил IV чорак	Молия вазирлиги
14.	Суғурта фаолияти ва суғурта назоратини тартибга солувчи халқаро стандартлар айрим нормаларини қайта кўриб чиқиш ва норматив-ҳуқуқий базага жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий базага ўзгартириш ва қўшимчалар	2007-2008 йиллар	Молия вазирлиги
15.	Тадбиркорлик таваккалчиликларини (фойдани бой беришдан, лойиҳалашдаги хатоликлардан, банкротликдан суғурталаш ва х. к.) суғурталашнинг	Намунавий коидалар	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари

	намунавий қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.			
16.	Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилаш.	Низом	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
17.	Суғурталовчиларнинг суғурта воситачилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи намунавий қоидаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Намунавий қоидалар	2008 йил I чорак ??	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
18.	Қайта суғурталаш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилаш.	Низом	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
19.	Даъво ишларининг ягона технологиясини жорий этиш.	Методик тавсиялар	2008 йил III чорак	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
20.	Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом	2009 йил I чорак	Молия вазирлиги
II. Кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмини, қўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш				
21.	2007—2010 йилларда суғурта хизматлари ҳажмини 3 баравар, суғурталовчилар суғурта захирасини 2,5 баравардан ортик, суғурта компаниялари ялпи капиталини 2 баравардан ортик кўпайтириш.	Чора-тадбирлар комплекси	Ишлаб чиқиш — 2007 йил II чорак Амалга ошириш — 2007—2010 йиллар	Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари
22.	Аҳоли ва юридик шахсларни, айниқса бизнесни суғурталаш соҳасида, шунингдек кишлоқ жойларда суғурталовчи алоҳида бўлинмалар ва суғурта агентлари сонини кўпайтириш ҳисобига суғурта хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш.	2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш дастурига мувофиқ чора-тадбирлар комплекси	2007—2010 йиллар	Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари
23.	Экспорт кредитлар ва экспорт-импорт операцияларининг самарали суғурта ҳимоясини таъминловчи экспортни суғурталаш	Чора-тадбирлар комплекси	Ишлаб чиқиш — 2007 йил II чорак амалга ошириш — 2007—2010 йиллар	Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари

<p>бўйича янги комплекс суғурта хизматлари турларини, шу жумладан сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурталаш, тўлов муддатини кечиктириш шартларини суғурталаш, «етказиб берувчи кредити» типи бўйича суғурталаш, «харидорга кредит» типи бўйича суғурталаш, экспорт-импорт контрактларини бажариш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурталаш, экспорт-импорт юklarини ташишни суғурталаш, хорижий шерикнинг иқтисодий ночорлигидан (банкротлигидан) суғурталаш ва бошқа суғурта хизматлари турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p>			
<p>24. Ҳаётни узок муддатли суғурталашни, шу жумладан суғуртанинг жамғарма турларини (ҳаётни аралаш суғурталаш, никоҳдан ўтишни суғурталаш, аннуитетларни суғурталаш, кўшимча пенсияни суғурталаш, таълим олиш харажатларини суғурталаш, даволанишни, шу жумладан чет элда даволанишни суғурталаш, балоғат ёшига етганликни суғурталаш ва бошқалар) кенгайтириш.</p>	<p>Чора-тадбирлар комплекси</p>	<p>Ишлаб чиқиш — 2007 йил IV чорак Амалга ошириш — 2008—2010 йиллар</p>	<p>Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари</p>
<p>25. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини суғурталашни жадал ривожлантириш, бизнесни суғурталаш соҳасида (банкротликдан, фойдани бой беришдан, кўзда тутилмаган</p>	<p>Чора-тадбирлар комплекси</p>	<p>Ишлаб чиқиш — 2008 йил I чорак Амалга ошириш — 2008—2010 йиллар</p>	<p>Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари</p>

	харажатлардан, суд харажатларидан, профессионал жавобгарликдан ва шу кабилардан суғурталаш) суғуртанинг янги турларини жорий этиш, уларнинг аниқ манзиллилиги, табақалаштирилганлиги, сифати ва самарадорлигини ошириш.			
26.	Суғурта хизматларига талабни баҳолаш бўйича маркетинг тадқиқотларини, суғурта бозорини ривожлантириш бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил этиш.	Маркетинг ва бошқа таҳлилий тадқиқотлар	2007 йил III чорақдан бошлаб доимо	Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмаси
27.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Автоматлаштирилган тизим	2008 йил II чорақ	Молия вазирлиги
28.	Таваккалчиликларнинг барвақт олдини олиш бўйича тест ўтказишнинг таваккалчиликларни баҳолаш тизимига асосланган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил IV чорақдан бошлаб	Молия вазирлиги
29.	Ўзбекистоннинг Суғурта назорати органлари халқаро уюшмасига кириши бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил мобайнида	Молия вазирлиги
30.	Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари ва уларнинг бирлашмалари билан биргаликда аҳоли ўртасида суғурта маданиятини ошириш бўйича маърифий ва тушунтириш ишларини амалга ошириш.	Семинарлар, радио ва телевидениеда эшиттиришлар, кўрсатувлар ва реклама компаниялари, оммавий ахборот воситаларида материаллар эълон қилиш	доимо	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
31.	Аҳолини суғурта бозоридаги, шу жумладан суғурта	Оммавий ахборот воситаларида ахборотлар бериш	доимо	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари

	агентларининг ноконуний ёхуд қонунга хилоф фаолияти тўғрисида хабардор қилиш.			
III. Мамлакат суғурта бозорининг очиқ-ойдинлигини ва ишончлилигини таъминлаш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва тўловга қодирлигини мустаҳкамлаш				
32.	Фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг устав капиталларини суғурта фаолиятининг амалга оширилаётган турларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган энг кам миқдорларгача кўпайтириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил 1 январгача	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
33.	Устав капиталининг энг кам миқдорини белгиланган муддатларда шакллантиришни таъминлаш имкониятига эга бўлмаган суғурталовчиларни аниқлаш чора- тадбирлари комплексини амалга ошириш, уларга суғурта фаолияти соҳасини ўзгартиришда ва қайта ташқил этишда (қўшилиш, бирлашишда) кўмаклашиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги
34.	«Ўзғросуғурта», «Кафолат» давлат- акциядорлик суғурта компаниялари ва акциядорлик компаниясига айлантирилаётган «Ўзбекинвест» компанияси устав фондларидаги давлат улушларини сотиш.	Тадбирлар	Ҳукуматнинг тегишли қарорларида белгиланган муддатларда	Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзғросуғурта», «Кафолат» давлат- акциядорлик суғурта компаниялари, «Ўзбекинвест» компанияси
35.	Хорижий капитал иштирокида суғурта компаниялари ташқил этишни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, суғурта компаниялари
IV. Суғурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш				
36.	Банк-молия академияси ҳузурида суғурта бозорининг профессионал	Ихтисослаштирилган ўқув курслари	2007 йил III чорак	Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари

	катнашчилари ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курслар ташкил этиш.			уюшмаси, Банк-молия академияси
37.	Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари ходимлари учун суғурталаш ва суғурта фаолиятининг долзарб масалалари бўйича ўқув-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш.	Конференциялар ва семинарлар	мунтазам равишда	Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари уюшмаси, суғурта компаниялари, суғурта бозорининг бошқа профессионал катнашчилари
38.	Кўрсатиб ўтилган тузилмаларнинг кўшадиган улуши ҳисобига суғурта бозорининг профессионал катнашчилари ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув марказини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил I чорак	Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари уюшмаси, суғурта компаниялари, суғурта бозорининг бошқа профессионал катнашчилари
39.	Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш.	Профессионал этика нормалари	2008 йил II чорак	Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари уюшмаси, суғурта компаниялари, суғурта бозорининг бошқа профессионал катнашчилари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон [қарорига](#)
2-ИЛОВА

Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конунига](#), бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва суғурта бозорининг профессионал катнашчилари фаолияти хусусиятларини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши давлат ижтимоий суғуртасига татбиқ этилмайди.

2. Суғурталовчилар, суғурта воситачилари (суғурта брокери, қайта суғурталовчи брокер, суғурта агенти), актуар, аджастер, сюрвейер хизматлари, шунингдек ассистанс хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар суғурта бозорининг профессионал катнашчилари ҳисобланади.

3. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларини давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, суғурта бозорининг бошқа профессионал

катнашчиларини давлат рўйхатига олиш эса — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

4. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бериладиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5. Актуар, аджастер, сюрвейер хизматлари ҳамда ассистанс хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар:

суғурталовчи сифатида суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини ўтказиш;

суғурталаш бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғурталовчиларнинг устав фондларида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

6. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий манфаатларни ҳимоя қилиш ва ифодалаш ҳамда умумий вазифаларни ҳал этиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нотижорат ташкилотлар ҳисобланган ўз уюшмалари ва иттифоқларини тузишга ҳақлидир.

Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмалари ва иттифоқларидан суғурта бозорини монополия қилишга йўналтирилган битимларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

II. Суғурталовчилар

7. Суғурталовчи — бу тижорат ташкилоти ҳисобланадиган, тегишли турдаги суғурталашни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта тўлови (суғурта пули) тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган юридик шахс.

8. Суғурталовчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилади.

Давлат суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида ташкил этилади.

9. Суғурталовчи устав капиталининг камида тўқсон фоизи муассислар (қатнашчилар)нинг пул маблағларидан шакллантирилади.

Суғурталовчининг устав капиталини шакллантириш учун кредитга олинган, гаровга қўйилган маблағлардан ва жалб этилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчининг бошланғич устав капитали лицензия олинishi пайтида қатнашчилар томонидан шакллантирилиши ва мазкур Низомда белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

10. Устав капиталининг энг кам миқдорлари:

умумий суғурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун — 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани;

ҳаётни суғурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун — 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани;

мажбурий суғурталаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун — 1000 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани;

фақат қайта суғурталаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун — 3000 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани ташкил этади.

11. Ҳаётни суғурталаш тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурталаш тармоғида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган умумий суғурталаш тармоғининг айрим турлари (даражалари) бундан мустасно. Умумий

суғурталаш тармоғида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурталаш тармоғида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни мўлжаллаётган суғурта турлари (даражалари) кўрсатилади.

12. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномаларини тузиш ва бажариш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурталаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

суғурталаш (қайта суғурталаш) соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилиги билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта ходисалари юз беришининг олдини олиш ва оғохлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи томонидан амалга оширилаётган суғурта турлари бўйича қоидалар (шартлар)ни белгилаш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

суғурта агентлари, суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал қатнашчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

қонун ҳужжатларида ва ёки суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномасида белгиланган ҳолларда ва тартибда суғурта товонини тиклашни рад этиш, суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномасида назарда тутилган тартибда суғурталанувчи томонидан маълум қилинган ахборотни текшириш, суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилиш;

хорижий суғурталовчиларга сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига берилган мол-мулкни сотиш ёки ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва хорижий рейтинг ташкилотлари рейтингини олиш;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

ўзи ваколат берган суғурта агентлари реестрини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг талаби бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни тақдим этиш;

суғурта ходисаси юз берганда қонун ҳужжатларида ёки суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва суғурта товони тўлаш;

фирманинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақдаги ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали суғурталанувчилар

эътиборига етказиш, ўзи бажараётган бир йилдан ортиқ муддатли суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномаси бўйича эса — ёзма шаклда етказиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантириш ва жойлаштириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бир йилда камида бир марта актуар текширувдан ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий, статистик, солиқ ахборотини ва бошқа ахборотни тузиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

14. Суғурталовчилар суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас, қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

III. Суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари

15. Суғурталаш брокери — суғурталанувчининг номидан ва унинг топшириғи бўйича суғурта шартномаси тузиш ва уни бажаришни ташкил этиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахс. Суғурталаш брокери фаолияти суғурта соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурталаш брокерининг фаолияти бундан мустасно.

Қайта суғурталаш брокери — ўз номидан ва суғурталовчининг топшириғи бўйича қайта суғурталаш шартномасини тузиш ва бажаришни ташкил этиш фаолиятини амалга оширадиган, қайта суғурталаш шартномаси бўйича суғурталанувчи сифатида иш кўрадиган юридик шахс.

Суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари суғурталовчиларнинг устав капиталларида қатнашишга ҳақли эмас.

16. Суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида суғурталаш (қайта суғурталаш)нинг ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғурталовчидан лицензия мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичларини олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

17. Суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари қуйидагиларга мажбур:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

мижозларнинг сўровлари бўйича суғурта шартномаси тузиш ва бажариш бўйича тўлиқ, ишончли ва ҳолисона ахборотни тақдим этиш;

мижознинг тижорат сири ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслик;

суғурта битимлари ва операцияларини тузишда мустақиллик ва бетарафликка риоя қилиш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

18. Суғурталаш (қайта суғурталаш) брокери ўзи билан суғурталанувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

Суғурталаш (қайта суғурталаш) брокерлари хизматларига ҳақ тўлаш воситачилик тақдирлаш пули шаклида амалга оширилади, унинг миқдори шартномада белгиланади.

19. Суғурталаш ва қайта суғурталаш брокерлари суғурта турлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борадилар, суғурталовчилар томонидан таклиф этилган дастурлар ва суғурталаш (қайта суғурталаш) шартларини уларнинг самарадорлиги юзасидан текширадилар ва улардан энг мақбул вариантни танлаб оладилар.

IV. Суғурта агентлари

20. Суғурта агенти — суғурталовчининг номидан ва унинг топшириғи бўйича суғурта шартномаси тузиш ва уни бажаришни ташкил этиш фаолиятини амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўлиши мумкин эмас.

21. Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида, шу жумладан суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғуртанинг ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғуртага қабул қилинаётган суғурта таваккалчилигини баҳолашда, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини тўлашда ва шунингдек суғурталанувчи томонидан суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда ва суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўланишида зарур ёрдам бериш;

суғурталовчидан лицензия мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичларини олиш;

суғурта шартномасини тузиш учун зарур ҳужжатларни (суғурта полисини) тайёрлаш ва расмийлаштириш;

суғурталанувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суғурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида суғурталанувчининг шахсий ҳаётига ҳалақит қилмасдан умумий маълум бўлган манбалардан таваккалчилик ва суғурталанувчи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

22. Суғурта агенти қуйидагиларга мажбур:

суғурта шартномаси тузишда ва суғурта товонини тўлашда ҳужжатларни, шунингдек суғуртага оид бошқа ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашишга;

суғурта тарифлари, суғурталовчилар томонидан таклиф этилаётган суғурталаш шартлари, лицензия мавжудлиги, устав фонди миқдорлари, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш;

суғурта шартномасини расмийлаштиришда суғурталанувчи тўғрисидаги имкони бўлган ахборотларга эга бўлиш, унга суғурта таваккалчилигини пасайтиришга ва суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф этиш;

ишда қонун ҳужжатлари, шу жумладан мазкур Низом талабларига қатъий амал қилиш;

суғурталанувчиларга уларнинг сўровлари бўйича суғурталашнинг амалдаги шартлари тўғрисида батафсил ва тўғри ахборот бериш;

суғурта ҳужжатларида назарда тутилган реквизитларни ўчириб ёзишга, тозалашга ва тузатишларга йўл қўймасдан тартибли ва аниқ тўлдирган ҳолда суғурта шартномаларини янги муддатга тўғри тузиш ва ўз вақтида қайта расмийлаштириш;

белгиланган шакллар бўйича тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта мукофоти суммалари ҳисобини юритиш;

суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этган ҳолатларга нисбатан махфийликни сақлаш;

суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси мобайнида таваккалчилик шарт-шароитлари жиддий равишда ўзгаришига тегишли ҳар қандай ахборот ўз вақтида олинишини, шунингдек суғурта эътирозлари пайдо бўлганда ва уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида ахборотларнинг ўз вақтида ва сифатли айирбошланишини таъминлаш;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда суғурталовчининг топшириғи бўйича ва унинг ҳисобидан суғурта тўловлари тўланишини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

23. Суғурта агентлари ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топширик шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширадilar.

Суғурта агенти ўз фаолиятини фақат ўзи шартнома (агент битими) тузган суғурталовчининг реестрига киритилгандан кейин амалга ошириши мумкин.

Суғурта агентлари хизматларига ҳақ тўлаш суғурта агенти билан тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотлари (тўловлар)дан воситачилик тақдирлаш пули шаклида амалга оширилади.

24. Қуйидагиларга:

суғурта агентлари томонидан тегишли лицензияларни олмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномалари тузилишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган хорижий суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бўйича суғурта агентларининг воситачилик фаолиятига йўл қўйилмайди.

25. Суғурта агентлари — жисмоний шахслар суғурта шартномалари бўйича ўз номларига, тўловлар амалга оширилганда эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, кизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига ҳужжатларни ёзишга, шунингдек ўз фойдасига суғурта шартномаси тузишга ва бунда ушбу суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти сифатида иш кўришга ҳақли эмас.

V. Аджастер хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар (аджастерлар ва аджастер ташкилотлари)

26. Аджастер ёки аджастер ташкилоти — бу суғурталовчининг топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатадиган тегишли равишда жисмоний ёки юридик шахс:

суғурта ҳодисаси юз бергандан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта ҳодисасининг ҳолатлари ва таваккалчилик мажбуриятларини таҳлил қилиш;

суғурта объекти шикастланиши сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда суғурта ҳодисаси оқибатида пайдо бўлган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини аниқлаш;

суғурталовчининг мажбуриятларидан келиб чиқиб тўланиши керак бўлган суғурта товони суммасини аниқлаш;

суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича эксперт хулоса тузиш.

Аджастер (аджастер ташкилоти) ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурталанувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

27. Аджастер (аджастер ташкилоти) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи аджастер хизматлари кўрсатадиган суғурталовчи (суғурталанувчи)ни эркин танлаш;

суғурта воқеаси (суғурта ҳодисаси)ни ўрганиш учун суғурталовчи (суғурталанувчи)дан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

суғурта ҳодисаси юз бергандан сўнг суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

ўзи объектни сиртдан кўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш (зарурият бўлганда техник воситаларни қўллаган ҳолда);

фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик аҳамиятга эга бўлган зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

28. Аджастер (аджастер ташкилоти) қуйидагиларга мажбур:

тегишли билимларга эга бўлиш ёки ўз штатида тегишли профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларга эга бўлиш;

суғурта ҳужжатлари сақланишини таъминлаш;

мижознинг тижорат сири ёки бошқа сирини ташкил этадиган ҳолатларга нисбатан махфийликни сақлаш;

маҳсус ўрганишни талаб этадиган маълумотларни тўғри ва ўз вақтида таҳлил қилиш учун мумкин бўлган чора-тадбирларни кўриш;

қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

29. Аджастер хизмати кўрсатилиши натижалари эксперт ҳисобот шаклида расмийлаштирилади, ундан суғурталовчи томонидан зарарларни тўлашда ва суд низоларини ҳал этишда фойдаланилиши мумкин.

Аджастер (аджастер ташкилоти)нинг эксперт ҳисоботидаги хулосалар мустақил суғурта экспертизаси давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

VI. Актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар (актуарлар ва актуар ташкилотлар)

30. Актуарий ёки актуар ташкилот — бу тегишли равишда қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлар кўрсатувчи жисмоний ёки юридик шахс:

суғурта ҳодисаси юз беришининг математик жиҳатдан муқаррарлиги ҳисобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман жами суғурта бўйича зарар етказиш оқибатлари оғирлиги частоталари ва даражасини аниқлаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик асослаш ва ҳисоблаш, уларни шакллантириш методларини ишлаб чиқиш;

суғурталовчи томонидан инвестициялар сифатида йиғилган бадаллардан фойдаланишда капитал қўйиш нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни белгилаш, бу тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга кўмаклашади;

суғурталаш жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоблаш;

суғурталашнинг (қайта суғурталашнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли характерини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоблашдан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғурталаш (қайта суғурталаш)нинг ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Актуарий (актуар ташкилот) фақат актуар фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Актуарий (актуар ташкилот) ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

31. Актуарий (актуар ташкилот) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчилар билан актуар хизматлари кўрсатиш бўйича мустақил равишда шартнома тузиш;

ишончли актуар хулоса тузиш учун зарур бўлган барча ахборотлар суғурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда актуар текшириш ўтказишни рад этиш;

актуар текшириш ўтказишда қатнашишга бошқа актуарийлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

конун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

32. Актуарий (актуар ташкилот) қуйидагиларга мажбур:

конун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

актуар текширишни амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

актуар хулосада актуар ҳисоблашларнинг камчиликларини ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни акс эттириш;

конун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

33. Актуарий, агар у актуар ташкилот штатида турган бўлса ёки унинг билан актуар ташкилот ўртасида фуқаролик — ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса актуар текширишни ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Актуарий актуар ташкилот олдида сифатсиз актуар текширувни ўтказиш, тижорат сирини ошкора қилиш ва актуар ташкилот учун зарар етказган бошқа хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар юзасидан жавоб беради.

34. Актуарлар актуар хизматлари кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини олиши шарт.

Актуар ташкилотлар ўз штатида актуарий малака сертификатига эга бўлган камида 1 актуарга эга бўлиши керак.

35. Актуар ташкилот (актуарий) фаолияти натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади. Актуар ташкилот (актуарий) ҳисоботидаги хулосалар мустақил экспертиза давомида қайта кўриб чиқиши мумкин.

VII. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар

36. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар суғурталаш шартномаси доирасида суғурталанувчиларга (суғурталанган шахсларга, фойда кўрувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатадилар, шунингдек уларга молиявий ёрдам кўрсатадилар.

Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширадилар.

Ассистанс хизматларига фақат суғурталовчилар томонидан, суғурталанувчилар (суғурталанган шахслар)нинг иштирокисиз ҳақ тўланади.

37. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчилар билан ассистанс хизматлари кўрсатиш бўйича мустақил равишда шартнома тузиш;

суғурталовчи томонидан ассистанс хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган барча ахборотлар тақдим этилмаган тақдирда ассистанс хизматлари кўрсатишни рад этиш;

ассистанс хизматлари кўрсатишга зарур мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

ассистанс хизматлари кўрсатиш юзасидан шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

конун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

38. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар қуйидагиларга мажбур:

суғурталанувчилардан (суғурталанган шахслардан) суғурта ҳодисалари (ҳолатлари) тўғрисидаги хабарларнинг кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиш ва

суғурталанувчиларга (суғурталанган шахсларга) суғурта шартномаси доирасида, тақдим этилган суғурта полиси асосида зарур ёрдам кўрсатиш;

суғурталаш ҳолларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чора-тадбирларини кўриш;

суғурталанувчиларга (суғурталанган шахсларга) чақирув қабул қилинган вақтдан бошлаб имкони борича энг қисқа муддатларда зудлик билан зарур ёрдам ва хизматлар кўрсатишнинг ташкил этилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятни бажариш.

VIII. Сюрвейер суғурта хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар (суғурта сюрвейери)

39. Суғурта сюрвейери — қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс:

суғурта шартномаси тузилгунгача суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, суғурта шартномаси тузилгунгача таваккалчилик даражасини аниқлаш;

суғурталашнинг текширилаётган объекти бўйича эксперт хулосаси тузиш.

Суғурта экспертизаси ўтказишга ваколатли суғурта сюрвейери мутахассислари (экспертлари)нинг иш тартиби суғурта сюрвейерининг ички ҳужжатларида белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурталанувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

40. Суғурта сюрвейери қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизматлар кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурталанувчини) эркин танлаш;

суғурта объектини ўрганиш учун суғурталанувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суғурта объектларига тааллуқли бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

қонун ҳужжатлари ва шартномада назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

41. Суғурта сюрвейери қуйидагиларга мажбур:

тегишли билимларга эга бўлиш ёки ўз штатида тегишли профессионал билимлар ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларга эга бўлиш;

сюрвейер томонидан ўтказиладиган экспертизага дахлдор бўлган барча шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш;

экспертиза ўтказиш учун томонлар тақдим этган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

мижознинг тижорат ёки бошқа сири бўлган фактларнинг махфийлигини сақлаш;

қонун ҳужжатларига ва шартномадан мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

42. Суғурта сюрвейери фаолияти натижалари эксперт ҳисоботи тарзида расмийлаштирилади, ундан суғурталовчи (суғурталанувчи) томонидан суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномасини тузишда фойдаланилиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг эксперт ҳисоботидаги хулосалар мустақил суғурта экспертизаси давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

IX. Якуний қоидалар

43. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

44. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битишувлари ва операциялари рўйхати, суғурта тарифлари, суғурталаш турлари ва муддатлари очиқ ахборот ҳисобланади ҳамда суғурталаш сири ва тижорат сири предмети бўлиши мумкин эмас.

Олдинги таҳрирга қаранг.

45. Суғурта бозорининг суғурталовчиларини ва бошқа профессионал қатнашчиларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суғурталовчиларни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан амалга оширилади.

(45-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги ПФ-4473-сонли [Фармони](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 40-сон, 466-модда)